



ХУДУД ДРАЙВЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ ГАРОВИ

Жураева Гавхар Тошбобоевна

Таянч докторант

Прогнозлатириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7805509>

ARTICLE INFO

Received: 27th March 2023

Accepted: 05th April 2023

Online: 06th April 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган ва кўплаб ривожланаётган мамлакатларда мамлакат иқтисодийтини янги технологик тартибга ўтказиш оладиган ҳамда янги илғор технологияларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Янги технологияларни ривожлантиришга эса катта миқдордаги молиявий ресурслар сарфланганлиги сабабли нанотехнологиялар, био-технологиялар, энергия тежовчи технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ва хусусий инвесторларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўтган ўн йил давомида сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари, уни амалга ошириш воситалари ва механизмлари мажмуи, айниқса, инновацион ривожланиш нуқтаи назаридан ўзгарди. Ўзгаришларнинг асосий йўналишини тақлифни рағбатлантириш сиёсатидан янги эҳтиёжларни аниқлаш ва потенциал истеъмолчиларнинг кўпроқ инновацияларни талаб қилиш қобилияти ва истагини қўллаб-қувватлашга қаратилган инновацияларга талабни рағбатлантириш сиёсатига босқичма-босқич ўтиш деб ҳисоблаш мумкин.

2022 йилда Глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикаси ўз мавқеини 4 поғонага яхшилади. Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида 3-ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида 82- ўрин, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади. Бу натижаларнинг барчаси мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари ва эришаётган ютуқлари самарасидир. Ўзбекистон “Бошқарув институтлари сифати”, “Инсон капитали ва тадқиқот фаолияти”, “Бозорни ривожлантириш”, “Бизнесни ривожлантириш”, “Фан ва технология”, “Ижодий маҳсулотлар”, “Инфратузилма” каби йўналишларда муваффақиятларга эришди.

Инновацион ривожланиш марказларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги тадбиркорлик фаолиятининг ушбу турининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ. Ҳар қандай инновацион лойиҳанинг муваффақияти юқори технологияли асбоб-ускуналар ва ривожланган техник инфратузилманинг мавжудлиги, бутловчи қисмлар ва юқори сифатли хом-ашёнинг мавжудлиги, илмий лойиҳаларга буюртмалар ўз вақтида қабул қилиниши ёки дизайн



ишланмалари каби қатор муҳим омилларга боғлиқ. Молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ўсишининг иккинчи сабаби - инновацион маҳсулотлар, энг янги технологиялар ва ускуналар бозорининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги зарур маълумотлар тўпламининг кескин етишмаслиги. Шунингдек, юқори малакали илмий ходимларнинг юқори нархи ва тажрибали мутахассислар, маслаҳатчилар ва экспертлар учун юқори меҳнат харажатлари ҳисобланади.

2019-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, шу жумладан қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш борасида катта ютуқларга эришди. Хусусан:

республикамиз 81 та индикатор бўйича баҳоланадиган Глобал инновацион индекси рейтингида 2015 йилга нисбатан 36 та поғонага кўтарилди;

инновация ва илм-фан соҳаларига Давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 3 бараварга оширилди ва 1,5 триллион сўмга етказилди;

ёш олимлар 2018 йилда 6,5 минг нафар бўлган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 10,8 минг нафарни ташкил этди, яъни бир ярим бараварга ўсди;

охирги 4 йилда инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар (инновацион жамғармалар, венчур ташкилотлар ва бошқалар) сони 28 тага етказилди;

Келгуси йилларда ҳам давлат Ўзбекистондаги инновацияларнинг бош ҳомийси бўлиб, илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ажратилаётган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2021 йилда 0,56 фоизга, 2022 йилда 0,8 фоизга етказишини таъминлайди.

2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги — «Innoweek.uz» хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформасига айланмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165 сонли Фармони қабул қилинди. Унда ҳудудлар кесимида амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланиб улар қуйидагилар:

- ҳудуддаги инновацион марказлар сонини 494 тагача етказиш;
- технологик инновациялар билан шуғулланувчи маҳаллий саноат корхоналари сонини 600 тагача етказиш;
- ҳудудларда яратиладиган янги технологиялар сонини 384 тагача ошириш;



- ҳудудларда йиллик рўйхатга олинган патентлар сонини 184 тагача етказиш¹.

Шу жумладан 2022 йил 1 августдан бошлаб эса инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда «тармоқ-ҳудуд-илмий/олий таълим ташкилот» занжирини жорий этиш ҳудуднинг инновацион жараёнлардаги муҳим ўрнини белгилаб берди.

Ҳудудларнинг инновацион ўсиш марказларини (СИНОР) шакллантириш учун қулай муҳитни яратмасдан, жумладан, қулай инвестиция муҳитини, шу жумладан имтиёзлар ва молиявий ресурслардан эркин фойдаланишни таъминламасдан мумкин эмас.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясидан илгари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5047-сонли Қарори² қабул қилиниб унга мувофиқ мамлакатимиз ҳудудларининг илмий ва инновацион фаолиятини ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион ривожланиш бошқармаларини ташкил этиш орқали ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодийётнинг турли тармоқларида инновацион ечимларни қўллаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ҳамда уларни тегишли тармоқларга жорий этилишини таъминлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу эса ўз навбатида ҳудудларнинг драйвер соҳаларини аниқлашга замин яратди.

1-жадвал. Инновацион туманлар ва уларнинг драйверлари

№	Инновацион ҳудудлар номи	Драйвер соҳалар номи
1	Мўйноқ тумани	Чорвачилик ва балиқчилик саноати
2	Нукус тумани	Қишлоқ хўжалиги
3	Булоқбоши тумани	Қурилиш материаллари саноати
4	Марҳамат тумани	Озиқ-овқат саноати
5	Ғиждувон тумани	Чорвачилик
6	Ромитан тумани	Иссиқхона
7	Дўстлик тумани	Чорвачилик
8	Пахтакор тумани	Хизмат кўрсатиш
9	Қарши тумани	Енгил-саноат
10	Нишон тумани	Чорвачилик
11	Кармана тумани	Паррандачилик
12	Қизилтепа тумани	Чорвачилик
13	Давлатобод тумани	Енгил-саноат(Тўқимачилик)

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165 сонли Фармони <https://lex.uz/uz/docs/6102462#6106804>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5047-сонли Қарори <https://lex.uz/uz/docs/5352230>




14	Чуст тумани	Қурилиш материаллари саноати
15	Нуробод тумани	Чорвачилик
16	Ургут тумани	Боғдорчилик ва узумчилик
17	Боёвут тумани	Енгил-саноат
18	Сирдарё тумани	Қурилиш материаллари саноати
19	Олтинсой тумани	Боғдорчилик ва узумчилик
20	Термиз тумани	Паррандачилик ва баликчилик саноати
21	Оҳангарон тумани	Чорвачилик
22	Чирчиқ шаҳри	Машиинасозлик саноати
23	Олтиариқ тумани	Қишлоқ хўжалиги
24	Бувайда тумани	Ҳунармандчилик
25	Гурлан тумани	Озиқ-овқат саноати
26	Урганч тумани	Озиқ-овқат саноати
27	Мирзо Улуғбек тумани	Хизмат кўрсатиш соҳаси
28	Олмазор тумани	Озиқ-овқат саноати

Юқорида кўрсатиб ўтилган драйверлар ҳудуднинг айнан шу соҳаларига инновацияларни жорий этиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Шу билан биргаликда ҳудудларда инновацияларни жорий қилган корхоналар ҳамда ихтироларни расмийлаштирган ҳудудлар сони таҳлил қилинди. (1-2-расмлар)



1-расм. Ҳудудларда инновациялар жорий қилган корхоналар сони



2-расм. Худудларда расмийлаштирилган ихтиролар сони

Худудларнинг ярмидан кўпроғида инновацияларни жорий қилган корхоналар ҳамда ихтироларни расмийлаштирган худудлар ҳажми билан салбий боғлиқлигига эътибор беринг. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу соҳада муаммолар мавжуд ва уларни худуд миқёсида ҳал қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилиши керак.

Шундай қилиб, давлат ўзининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаб, миллий ва худудий иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу эса унинг жаҳон иқтисодий маконида рақобатбардошлигини оширади. Замонавий дунёда инновацияларнинг ролини ортиқча баҳолаб бўлмайди. Инновациялар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий функцияларни бажаради, жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади, шахсий масалаларга таъсир қилади. Узоқ муддатли истиқболда инновацияларсиз жадал ривожланиш йўлида иқтисодий ва маданий ўсишни давом эттириш мумкин эмас.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165 сонли Фармони <https://lex.uz/uz/docs/6102462#6106804>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5047-сонли Қарори <https://lex.uz/uz/docs/5352230>
3. Global innovation index 2022 year wipo main-report https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_2000_2022/uz.pdf
4. Чернова Татьяна Васильевна, Решетило Татьяна Васильевна Об эффективности инновационной деятельности в регионах - субъектах РФ // Вестник ТИУиЭ. 2017. №2



(26). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-effektivnosti-innovatsionnoy-deyatelnosti-v-regionah-subektah-rf>